


II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 4 794,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 104,1 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми индексининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 106,4 % га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 123,2 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 132,0 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 115,0 % ни ташкил этди.

Январь–март ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби
(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 11,8 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,3 % ни ташкил этди.


Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият тури ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажми индекси – 23,9 % ни ташкил қилди.

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4 518,2 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 94,2 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг ҳажми 2,8 млрд. сўмни, (ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 0,1%), ўрта-юқори технологияли 662,0 млрд. сўмни, (14,7 %), ўрта-қуйи технологияли 1 453,1 млрд. сўмни (32,1 %), ва қуйи технологияли 2 399,4 млрд. сўмни, (53,1 %) ташкил этди.

Январь–март ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да



**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2020 йил январь–март ойлари учун)**

| | <i>Ўлчов бирлиги</i> | <i>2020 йил январь- март</i> | <i>2019 йил январь-март ҳолатига нисбатан, % да</i> |
|-------------------|----------------------|--------------------------------------|---|
| Автомобил бензини | минг тонна | 82,4 | 115,1 |
| Дизел ёқилғиси | минг тонна | 93,7 | 129,2 |
| Узум виноси | минг литр | 541,0 | 123,2 |
| Нефт битуми | минг тонна | 2,7 | 21,8 |
| Суперфосфат | минг тонна P2O5 | 1,3 | 19,7 |
| Пахта чигити | тонна | 22 695,5 | 51,4 |
| Шиша идишлар | минг дона | 14 005,0 | 42,7 |
| Гербицидлар | тонна | 610,0 | 47,6 |

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 215,1 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 5,0 % ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажми индекси 132,0 % ни ташкил этди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 25,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,5 % ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 115,0 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2020 йил январь–март ойлари учун)**


| | <i>млрд.сўм</i> | <i>жамига нисбатан фоизда</i> |
|--|-----------------|-----------------------------------|
| Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми | 4 794,2 | 100,0 |
| Тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш | 11,8 | 0,3 |
| <i>улардан:</i> | | |
| Тоғ-кон саноатининг бошқа турлари | 11,4 | 0,2 |
| Қайта ишлаш саноати | 4 518,2 | 94,2 |
| <i>ундан:</i> | | |
| озик–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 744,0 | 15,5 |
| тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 1 491,0 | 31,0 |
| ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари | 94,7 | 2,0 |
| ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 4,5 | 0,1 |
| кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 886,5 | 18,5 |
| кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 581,5 | 12,1 |
| асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш | 2,3 | 0,05 |
| бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 397,7 | 8,3 |
| металлургия саноати | 35,7 | 0,7 |

| | <i>млрд.сўм</i> | <i>жамига нисбатан фоизда</i> |
|--|-----------------|-----------------------------------|
| Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 66,6 | 1,4 |
| Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 0,5 | 0,1 |
| Электр ускуналар ишлаб чиқариш | 16,0 | 0,3 |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 3,0 | 0,1 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш | 100,4 | 2,1 |
| Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш | 17,8 | 0,4 |
| Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш | 46,8 | 1,0 |
| Мебел ишлаб чиқариш | 18,4 | 0,4 |
| Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш | 30,1 | 0,2 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 238,5 | 5,0 |
| Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 25,7 | 0,5 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 1 311,7 | 100,0 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| озик-овқат товарлари | 5 22,6 | 39,8 |
| ноозик-овқат товарлари | 7 89,1 | 60,2 |


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 1 311,7 млрд. сўмни ташкил этди. 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 14,2%га ўсиши таъминлади, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 26,4% ни ташкил этди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда)



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да
(январь–март ойлари учун)




Худудларнинг вилоят жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши
(2020 йил январь–март ойлари учун)




Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми мос равишда ошишига олиб келди, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 36,4 % ташкил этмоқда.




**Худудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг
саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши.
(2020 йил январь–март ойлари, фоиз ҳисобида)**



Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Фарғона шаҳрида (6 603,1 минг сўм), Кувасой шаҳрида (2 382,9 минг сўм), Кўқон шаҳрида (2 667,6 минг сўм), Тошлоқ тумани (2 648,9 минг сўмни) да вилоят даражаси кўрсаткичидан юқорилигини кўрсатмоқда.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб
чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2020 йил январь–март ойлари учун)**

Саноат маҳсулотлари



Истеъмол товарлари




Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари.

Бугунги кунда вилоятда 7 862 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 1 361 таси Қўқон шаҳри, 927 таси Марғилон шаҳри, 980 таси Фарғона шаҳри, 212 таси Қувасой шаҳри, 560 таси Учкўприк тумани, 465 таси Ўзбекистон тумани, 403 таси Данғара тумани, 410 таси Бувайда тумани, 296 таси Тошлоқ тумани, 353 таси Қува тумани, 271 таси Бағдод тумани, 285 таси Олтиариқ тумани, 228 таси Қўштепа тумани, 258 таси Риштон тумани, 228 таси Фарғона тумани, 158 таси Ёзёвон тумани, 164 таси Фурқат тумани, 161 таси Бешариқ тумани, 142 таси Сўх туманига тўғри келади.

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятда 342 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 37 таси Қўқон шаҳри, 35 таси Марғилон шаҳри, 30 таси Фарғона шаҳри, 21 таси Учкўприк тумани, 17 таси Ўзбекистон тумани, 12 таси Данғара тумани, 22 таси Бувайда тумани, 11 таси Тошлоқ тумани, 25 таси Қува тумани, 11 таси Бағдод тумани, 18 таси Олтиариқ тумани, 11 таси Қўштепа тумани, 25 таси Риштон тумани, 14 таси Фарғона тумани, 12 таси Қувасой шаҳри, 10 таси Ёзёвон тумани, 5 таси Фурқат тумани, 20 таси Бешариқ тумани, 6 таси Сўх туманига тўғри келади.

Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган ҳамда йил бошида янги ташкил этилган корхоналар

(2020 йил январь–март ойлари учун, сони бирликда)



Худудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мулкчилик шакллари, фоизда
(2020 йил январь–март ойлари учун)

